



ТУРАР ЖОЙЛАРНИ ВА БОШҚА ЖОЙЛАРНИ, БИНОЛАРНИ, ИНШООТЛАРНИ, ЖОЙНИНГ УЧАСТКАЛАРИНИ, ТЕХНИК ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Т.Е.Машарипов
Ж.М.Абдуллаев

Аннотация. Мазкур мақолада турар жойлар дахлсизлиги ҳуқуқига оид ҳалқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларнинг айрим жиҳатлари ҳамда тезкор-қидирув фаолиятида турар жойлар дахлсизлиги ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган тезкор-қидирув тадбирларининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Таянч сўзлар: шахсларнинг турар жой дахлсизлиги, турар жойлар, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор текшириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар.

ПРАВО НА НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ ЖИЛИЩА В ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ЕГО СВОЕОБРАЗНЫЕ ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

Аннотация. В данной статье предпринята попытка разъяснения некоторых аспектов международных и национальных правовых норм, касающихся права на неприкосновенность жилища, а также научно-теоретических и практических аспектов розыскной деятельности, связанных с правом на неприкосновенность жилища.

Ключевые слова: неприкосновенность жилища физических лиц, жилые помещения, оперативно-розыскные мероприятия, оперативная проверка, субъекты, осуществляющие оперативно-розыскные мероприятия.

Мақола мавзусининг долзарблиги "Турар жойлар ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотлар, участкалар, техник ва транспорт воситаларини текшириш" ни ўз ичига олган аниқ тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солиш ва услубий таъминлашни такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 14 моддасида "Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш – тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шахслар, фактлар, ҳамда ҳолатларни аниқлаш мақсадида турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, компьютерларни, алоқа қурилмаларини ва транспорт

воситаларини бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) кўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган тадбир¹” деб таъриф берилган.

Текширув - бу объектларни кўздан кечиришни ҳам, жиноят қуроллари, жиноий йўл билан олинган буюмлар ва қимматбаҳо нарсаларни, ҳужжатларни, моддаларни ва бошқа нарсаларни қидиришни, шунингдек амалга ошириш учун муҳим бўлиши мумкин бўлган фактларни аниқлашни ўз ичига олган муайян жараён. тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят ишини тергов қилишда кўриб чиқиладиган тадбир назарий томондан фақат кўрсатилган объектларни текшириш билан чекланиши мумкин.

Биолар деганда одамлар ёки моддий бойликларни жойлаштириш учун мўлжалланган турар-жой, маъмурий, хизмат кўрсатиш, саноат биноси ёки иншоотининг бир қисми тушунилиши керак. У доимий ёки вақтинча бўлиши мумкин (масалан, шишириладиган ангар, тарпаулин чодир, чодир), ҳам статсионар, ҳам мобил.

Уй-жой деганда турар-жой ва нотурар жой биолари бўлган яқка тартибдаги турар-жой биноси, мулкчилик шаклидан қатъи назар, уй-жой фондига киритилган ва доимий ёки вақтинчалик яшаш учун яроқли турар-жой биолари ҳамда турар-жой таркибига кирмаган шунга ўхшаш биолар ёки биолар тушунилади. Бу хусусий уй, квартира, меҳмонхона ёки ётоқхонадаги хона, дача, боғ уйи, йиғма уй, алмаштириш уйи ёки темир йўллар, электр узатиш линиялари ва бошқа иншоотларни қуришда уй-жой сифатида махсус мослаштирилган ва фойдаланиладиган бошқа вақтинчалик иншоот бўлиши мумкин.

Турар жойларни текшириш деган аввало уй-жой дахлсизлиги кўз олдидан келади. Турар жой дахлсизлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан бири ҳисобланади.

Турар жой дахлсизлиги² ҳуқуқи - шахсларнинг яшашга, эркинликка, шахсий дахлсизликка, шахсий ҳаётга, бир жойдан иккинчи жойга кўчишга, фикрлашга, шунингдек, сўз, эътиқод ва виждон эркинлигига бўлган фундаментал ҳуқуқлари билан бир қаторда турувчи шахсий ҳуқуқи ҳисобланади.

Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади, ушбу ҳуқуқ инсон дунёга келиши билан юзага келиб, унинг бутун умри давомида доимий равишда унга ҳамроҳлик қилади. Шахсларнинг турар жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқлари фақатгина қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда³ чекланиши мумкин.

Шахсларнинг турар жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларини ўзида акс эттирган асосий универсал ва минтақавий халқаро стандартлар сифатида - **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини** (кейинги ўринларда *Декларация*), **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни** (кейинги ўринларда *Пакт*), **Мустақил**

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлар базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0357-сон; 29.06.2021 й., 03/21/697/0607-сон. Lex.uz

² Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “турар жой дахлсизлиги” ва “уй-жой дахлсизлиги” атамаларидан тенг фойдаланилиб келинади. Шундай бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Жиноят кодексига тегишли моддаларда “турар жой дахлсизлиги” атамасидан фойдаланилганлиги, шунингдек, ушбу атама маъно жиҳатдан “уй-жой дахлсизлиги” атамасидан нисбатан кенгроқ бўлганлиги сабабли мазкур мақолада “турар жой дахлсизлиги” атамасидан фойдаланилди.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси

давлатлар ҳамдўстлигининг Инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенциясини (кейинги ўринларда *Конвенция*), шунингдек, бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу халқаро стандартларга мувофиқ ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга⁴. Ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашшга, ўзининг турар жойи ёки ёзишмалари сири дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга⁵.

Шахсларнинг турар жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларига оид юқоридаги халқаро нормалар Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигига, энг аввало Конституциясига тўлиқ имплементация қилинган. Бундан ташқари, шахсларнинг турар жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларига тажовуз қилиш ёки ноқонуний равишда чеклаш маъмурий⁶ ёхуд жиноий жавобгарликни⁷ келтириб чиқаради.

Конвенцияга мувофиқ ҳар бир инсон ўзининг шахсий ва оилавий ҳаёти ҳурмат қилиниши, турар жой ва ёзишмалар сири дахлсизлиги ҳуқуқига эга бўлиб, қонунда белгиланган ҳамда демократик жамиятда давлат ва жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳолининг соғлиғи ва ахлоқини ҳимоя қилиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлаш манфаатлари йўлидан бошқа ҳолларда давлат органлари томонидан юқоридаги ҳуқуқлардан фойдаланишга аралашиларга йўл қўйилмаслиги зарур.⁸

Шахсларнинг турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи ҳақида гап кетганда, энг аввало турар жой тушунчасига аниқлик киритиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 9 ва 10-моддалари мазкур масалани қисман тартибга солиб, унга кўра фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (*ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар*) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар **турар жой** деб ҳисобланади. Турар жой хусусий ёки давлат кўчмас мулки ҳисобланиб, қонунчиликда белгиланган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Турар жойларга — уйлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, бошқа иморатлардаги яшаш учун мўлжалланган хоналар ва ўзга турар жойлар киради.

Турар жой тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида (6-сон, 30.04.1999 й.) батафсилроқ таъриф берилган бўлиб, унга кўра уй-жой деганда кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (*шахсий уй, хонадан, меҳмонхонадаги,*

⁴ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациянинг (1948) 13-моддаси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 12-моддаси (1966), Конвенциянинг 9-моддаси (1995)

⁵ Декларациянинг 12-моддаси, Пактнинг 17-моддаси

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 45-моддаси

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 142-моддаси

⁸ Конвенциянинг 9-моддаси

санаториядаги хона, дала ҳовли, бог ҳовли ва боиқалар) бино, шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва боиқалар) тушунилади. **Омборхона** деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча бўлсада сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади (*Пленум Қарорининг 9 банд, 5-6 хатбоишлари*).

Шу билан бирга, Тошкент давлат Юридик Университети томонидан М.Х.Рустамбоевнинг таҳрири остида нашр этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига Шарҳда (*Махсус қисм*) кўрсатилишича, поездлар транспорт воситаси бўлса ҳам, поезд купеси вақтинчалик уй-жой ҳисобланиши мумкин. Палаткалар, вагончалар ва кема каюталарини ҳам вақтинчалик уй-жой деб ҳисоблаш зарур.⁹

Шу тариқа, **турар жой** деганда - мулкчилик шаклидан қатъий назар, шахсларнинг **доимий** (уйлар, квартиралар, ётоқхоналар, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар ва ҳ.к.) ёки **вақтинчалик** (меҳмонхонадаги, меҳмон уйидаги, санаториядаги, касалхонадаги, пансионатдаги, дам олиш уйларидаги, ётоқхоналардаги хоналар, поезд купеси, кема каюталари, автомобиллардаги ётоқхоналар, кўчма уйлар, вагончалар, дала ховлилар, , бог ҳовлилар, чайлалар, ўтовлар, шийпонлар, қоровулхоналар, палаткалар ва ҳ.к.) яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга қисман ёки тўлиқ жавоб берадиган биноларни, енгил конструкцияли иншоотлари, транспорт ва техник воситаларни тушуниш зарур.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида инсонларнинг шахсий ҳаётига дахл қилувчи тадбирлар сифатида турар жойларга киришга ҳам тўғри келади¹⁰. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига кўра “*Турар жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш*” – Тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шахслар, фактлар ҳамда ҳолатларни аниқлаш мақсадидан турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, компьютерларни, алоқа қурилмаларини ва транспорт воситаларини бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) кўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган тадбир. Қонунга мувофиқ, тезкор бўлинмаларда тадбирларда амалга ошириш жараёнида юридик ёки жисмоний шахсларнинг хизмат ва турар жойлари, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулки, фақат уларнинг розилиги асосида фойдаланилиши мумкин. Ушбу розилик ёзма ёки оғзаки шаклда берилиши мумкин. Бу объект турига, ундан фойдаланиш давомийлигига, мулкдор ёки эгасининг розилигига боғлиқ.

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва амалиётида ушбу тадбир анъанавий равишда тезкор кўздан кечириш деб аталган, шу боис «текширув» ва «тезкор кўздан

⁹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Махсус қисм). (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси Б.М.Мустафоевнинг умумий таҳрири остида). Т.: “ILM ZIYO”, 2006-9126. 242-243 бетлар

¹⁰ Каримов В. Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш: ю.ф.д., Дис. –Т., 2018. – Б.88.

кечириш» терминлари (атамалари) айна бир тадбирнинг турли номлари сифатида ишлатилиши тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Тезкор кўздан кечириш объектларига, аввало, турар жойларни ва бошқа жойлар, бинолар, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситалари киради. Бундан ташқари, объектларни хужжатлар, шахсий буюмлар, кийим-кечак, ҳайвонлар ёки баданида жиноят излари топилган одам ташкил этиши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар давомида, фикрингизча тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш деганда нимани тушунасиз деб тезкор бўлинмалар ходимлари орасида сўров ўтказилганда респондентларнинг 67 фоизи “қонуннинг давлат, жамоат ва шахсий ҳуқуқ ва манфаатлар билан боғлиқ талабларининг бузилиши”¹¹ деб жавоб бериб ўтганлар. Ўз-ўзидан аёнки, шахсий ҳуқуқлар бевосита турар жойлар дахлсизлиги ҳуқуқи билан бевосита бир бирига боғлиқ ва ёнма-ён ҳуқуқ сифатида кўришимиз мумкин.

Тадқиқотлар натижаларидан яна шу нарса аён-ки, турар жойларнинг дахлсизлиги билан боғлиқ ўтказиладиган тезкор-қидирув тавсифидаги тадбирларда тезкор бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг қонунийликни бузишга ундайдиган асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- мураккаб тезкор-қидирув шароитида ҳаракат қила олмаслик ёки тажрибасизлик;
- фаолиятга оид норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг талабларини тўлиқ билмаслик;

тезкор бўлинмалар фаолиятини баҳолаш мезонларининг номукамаллиги ташкил этган¹².

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан турар жойларни кўздан кечириш - тезкор қизиқиш уйғотуши шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ нарсалар, хужжатлар ва моддаларни аниқлаш, улар билан танишиш, тезкор-тактик вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш мақсадида техник воситалар ва кимёвий моддалар ёрдамида излар, нарсалар, хужжатлар ва бошқа объектларни қайд этиш билан ҳаракатларни ўз ичига олади.

Турар жойлар дахлсизлиги билан боғлиқ юқоридаги тадбирни ўтказиш жараёнида тадбир ўтказётган субъект қуйидагиларга эътибор қаратади:

- турар жойларни ўрганиш;
- жиноятнинг ният қилинаётганлиги ёки унга тайёргарлик кўрилаётганлиги, ҳақида ахборот олиш, содир этилган жиноят излари ва унда иштирок этган шахсларни аниқлаш ва қайд этиш ;
- ўғирланган ашёлар ва жиноий йўл билан қўлга киритилган қимматбаҳо бойликлар турган жой ҳамда исботлаш аҳамиятига эга бўлиши мумкин бўлган нарсалар, хужжатлар ва моддаларни аниқлаш;
- уларнинг исботлаш хусусиятларини аниқлаш мақсадида махсус тадқиқот ўтказиш учун намуналар олиш;

¹¹ Каримов В. Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш: ю.ф.д., Дис. –Т., 2018. – Б.283.

¹² Каримов В. Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш: ю.ф.д., Дис. –Т., 2018. – Б.39.

- жинойй ҳаракатларни ҳужжатлаштириш натижаларини текширилаётган ёки ишловдаги шахслар томонидан тузилган расмий ҳужжатлар билан солиштирилишини амалга ошириш;

- жинойтчилар ва бедарак йўқолган шахсларни бўлиши мумкин бўлган жойларини аниқлаш¹³.

Ўтказилган тадбир натижасида жинойтга алоқадор бўлган ашёлар, ҳужжатлар ва далилий аҳамиятга эга бўла оладиган ёки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, жамият ва ҳавфсизлигига дахл қилувчи бошқа моддий объектлар аниқланган тақдирда, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун нормалари ва тегишли идоравий буйруқлар асосида белгиланган ҳаракатларни амалга оширадилар. Турар жой дахлсизлиги ҳуқуқини чеклаш орқали ўтказиладиган текшириш тадбирига Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига¹⁴ асосан тегишлилигига кўра прокурорнинг санкцияси асосида йўл қўйилади. Лекин, қонунчиликда прокурорнинг санкция муддатлари белгиланмаган. Мазкур муаммо кўпчилик олимлар билан бир қаторда, амалиётчи ходимларни ҳам қийнаб келмоқда. Мазкур масала бўйича олим Р.Н. Раҳимхўжаев ҳам ўзининг илмий тадқиқотида қуйидаги фикрларини билдириб ўтган. Унга кўра: “Ички ишлар органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда амалиётда юзага келаётган муаммо “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда прокурор санкциясининг амал қилиш муддати аниқ кўрсатилмаганлиги билан боғлиқ эканлиги”га¹⁵ тўхталиб ўтган. Мазкур масала юзасидан соҳа олимлари ва тезкор ходимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, амалиёт учун прокурор санкциясининг амал қилиш муддати алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, унинг муддати ва ҳисоблаш тартиби қонунчиликда кўрсатилиши кераклигига тўлиқ қўшиламиз. Мазкур тадбирни амалга оширишда прокурорнинг санкция муддатини белгилаб қўйилиши тергов ва суд жараёнларида турли хил тушунмовчиликлар қочишга ва тезкор бўлинмаларнинг ҳаракат чегараларини янада аниқроқ бўлишига имкон беради.

Тезкор текшириш мақсадини тезкор-қидирув фаолиятининг бир қатор махсус тактик вазифаларни ташкил этиши ва бундай тадбирдан фойдаланишнинг тактик мақсадлари турлича бўлиши мумкин. Жумладан;

– жинойй фаолият изларини, иш бўйича далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни топиш (масалан, моддий жавобгар шахснинг иш жойида ғайриқонуний ҳаракатлар қайд этилган қоралама ёзувларни топиш);

– жинойтчининг шахси, унинг қаердалиги ва алоқалари ҳақида ахборот олиш (масалан, шахсий буюмлар, ён дафтарчалар, хатлар, ҳужжатларни кўздан кечириш орқали);

– ўғирланган мулк яширилган жойни топиш;

– далил сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган моддий объектларнинг сақланишини (уларни кўчириш, фотосуратга олиш, нусха кўчириш орқали) таъминлаш;

– объектларни махсус кимёвий моддалар ёрдамида белги қўйиш орқали из ҳосил

¹³ Каримов В. Ўзбекистон Республикасининг “тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий амалий шарҳ. Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси Академияси. -Т., 2021. -Б.134-135.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 25 декабрь кунидаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддаси 1-хатбоши. Манба: Lex.Uz/docs/2107763. (мурожаат санаси 31.03.2023).

¹⁵ Раҳимхўжаев Р.Н. “Ички ишлар органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш”. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация Автореферати, . -Т., 2022. – Б.15.

бўлиши учун шароит яратиш;

– жиноят қуроллари, жиноят содир этишнинг бошқа воситалари ва бошқа нарсаларни яроғсиз ҳолга келтириш орқали жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики мазкур тадбир бевосита тезкор бўлинмалар олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирдир.

Текширувнинг мазмуний қисмига қуйидагилар киради: *биринчидан*, объектга кириш ҳаракатлари, жумладан зарур ҳолларда тамболовчи воситаларни ва ҳимоянинг техник воситаларини бартараф этишни қамраб оладиган объектга кириш ҳаракатлари; *иккинчидан* эса, ушбу объектларни ичидан туриб, жумладан махсус техник ёки криминалистик воситалардан фойдаланган ҳолда кўздан кечириш.

Билиш моҳияти ва билишда қўлланиладиган усуллар бўйича ушбу тезкор-қидирув тадбири тергов кўздан кечиришига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади, аммо юридик асослари, ўтказилиш шакли ва ҳуқуқий оқибатлари бўйича улар бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Турар жойни текшириш, кўздан кечириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 16-моддасига мувофиқ, прокурор санкциясини олиш зарур, бу эса, ўз навбатида, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқарилишини талаб этади. Бундай тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига фақат прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади. Терговга оид кўздан кечириш ҳаракати эса бевосита терговчининг процессуал ҳаракати сифатида амалга ошириладиган жараёндир.

Турар жойларнинг дахлсизлиги билан боғлиқ ўтказиладиган тезкор текширув тадбирлари давомида, агар зарурат бўлса, изланаётган нарс ва моддаларни топиш ва қайд этишнинг турли техник воситаларидан фойдаланилиши мумкин. Турар жойларнинг текширув натижалари фаолиятга оид белгиланган норматив ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатлар кейинчалик жиноят ишларига оид исботлашда жараёнларида фойдаланиш мақсадида терговчига берилиши мумкин.

Турар жойлар дахлсизлиги билан боғлиқ бўлган турар жойларни ва бошқа жойларни текшириш тезкор-қидирув тадбири, агар шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаган тақдирдагина, истисно чоралар сифатида амалга оширилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Мазкур нормага риоя этиш учун унда келтирилган шахс ҳуқуқларининг мазмуни ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтишимиз мумкин-ки, турар жойлар дахлсизлиги билан боғлиқ бўлган тезкор текшириш ва бошқа тадбирлар бевосита битта мақсадга қаратилган бўлиши лозим. Мазкур мақсад қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

1. Шахсларнинг жамиятнинг ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
2. Турли хил тажовузларни олдини олиш;
3. Жиноятларни барвақт аниқлаш ва уларни бартараф этиш;
4. Содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этиш;
5. Ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлигини таъминлаш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси.
4. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Пакт. Нью-Йорк 1948
5. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. Нью-Йорк 1966
6. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг Инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси. Минс 1995.
7. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Махсус қисм). Т.: “ILM ZIYO”, 2006.
8. Каримов В. Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш: ю.ф.д., Дис. –Т., 2018.
9. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 2012 йил 25 декабрдаги Қонуни.
10. Раҳимхўжаев Р.Н. “Ички ишлар органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш”. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация Автореферати.